



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЦИНДАО ШАҲРИДА БЎЛАДИГАН ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 8-10 июнь кунлари Хитой Халқ Республикасида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Циндао шаҳрида ўтадиган ўн саккизинчи мажлисида иштирок этади.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари илк бор Хиндистон ва Покистоннинг тўла ҳуқуқли аъзо сифатидаги иштирокида йиғиладилар, ташкилот фаолиятини янада такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари, минтақавий хавфсизлик, иқтисодий ва инвестициявий шериклини кенгайтириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари ҳамда кўп томонлама кооперациянинг бошқа жиҳатларини муҳокама қиладилар.

Давлат раҳбарларининг мажлиси якунида Циндао декларацияси қабул қилиниши, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2019-2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Узоқ муддатли яхши кўшничлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2018-2022 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси, Ёшларга қўшма мурожаат ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Фикр алмашувлардан сўнг 2018-2019 йилларда ташкилотта раислик қиладиган давлат тўғрисида қарор қабул қилиш, кейинги уч йиллик даврга ШҲТ бош қотиби ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори лавозимларига номзодларни тасдиқлаш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ШҲТ саммити доирасида икки томонлама қатор учрашув ва музокаралар ўтказди.

ЎЗА

БИЗНИНГ ДЕПУТАТ

Уч ҳоким ҳал қилмаган масала

ниҳоят, депутат ташаббуси
билан ечим топишти



Пойтахтимизнинг Олмазор тумани «Чимбой» маҳалласи «Чимбой-2» кўчасида истиқомат қилаётган аҳолини кўп йиллардан бери бир масала ўйлантириб келаётган экан. Унинг ечими юзасидан йиллар давомида қатор ташкилотларга мурожаат қилинган, ҳеч қондаси бўлмаган. Шундан кейин қўчиликнинг ҳафсаласи пир бўлди. Бу ҳақда маҳалла раиси ўринбосари, ЎЗХДП фаоли Бахриддин Бўлаков шундай дейди:

— Бу маҳаллага кўчиб келганимга қирқ йилдан ошди. Шундан бери аҳоли ичимлик суви ва каналзация муаммосидан азият чекади. Маҳалладошларимиз билан мутасадди ташкилотларга кўп бора мурожаат қилдик. «Халқ қабулхонаси» кўчамизнинг нариги юзида жойлашган. Вақт бўлди, дегунча, мурожаатимиз тақдир билан қизиқамиз. Серкатновлигимиз учун туман ҳокимиятидагилар ҳам, ташкилотдагилар ҳам бизни яхши таниб қолишган. Муаммо кўтарилганидан буён туманимизда уч ҳоким алмашди. Уларнинг баъзилари ҳатто маҳалламизга келиб, очик мулоқот ҳам қилишган. Республика миқёсидаги ташкилотларга борганимизда, ҳал қилиб берамиз, деб ваъда қилишди-ю, ечимига келганда пайсалга солишди. Шаҳар ҳокимлиги туманга, туман эса маҳаллага амалий ёрдам берилсин, деган хат чиқади. Хуллас, эшигига бош уриб бормаган ташкилотимиз қолмади ҳисоб.

Давоми 2-бетда. ►



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар

Энг аввало шуни эътироф этиш жоизки, мазкур қарор мамлакатимизда олиб бориладиган ислохотларда олий таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамиятини белгилашда, олий таълим соҳасини тубдан янгилаш шакллантириш ва таълим сифатини оширишда шубҳасиз муҳим роль ўйнайди.

Қарорнинг преамбуласида олий таълим сифатининг ошишига ҳамда олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларда фаол иштирок этишига тўқинлик қилувчи омиллар ўринли қўрсатишган.

Маълумки, олий таълимнинг самарасига кўплаб омиллар таъсир қилади. Булар қабул сифати, дарс берувчи профессор-ўқитувчилар билим даражаси ва малакаси, педагогик маҳорати, ўқув режалари ва фан дастурлари таркиби ва мазмуни, уларнинг истеъмолчилар талабига жавоб бериши, дарсликлар сифати, олий таълим муассасаларининг моддий техник базаси кабилардир.

Лекин юқоридаги омилларнинг ичида бугунги кунда, менинг назаримда, бирламчиси, энг зарури, қисқа муддатда ижобий натижа бериб, олий таълим сифатини кўтаришга олиб келадиган омил бор: талаба масъулиятининг ошиши, мустақил билим олишга, ўз устида ишлашга ўндайдиган шарт-шароитнинг шаклланиши. Муайян даражада бунинг сабаби талабалар ўзлаштиришини жорий баҳолашнинг мақомидадир.

Шу давргача биз олий таълим муассасаларида талабалар жорий ўзлаштиришини ошириб баҳолаб келаямиз. Сессия якунидаги «қарздорлик» сонидан қатъи назар, қайта топиришга рухсат берилиши талабани дарсликни ўқимайдиган, ўқитувчини эса ўз устида ишламайдиган қилиб қўйди.

Қарорда белгиланган «талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш» бугунги куннинг чекити бўлиб қолган вазиёларидан бири деб биламан. Чунки амалдаги низом талабаларни ялқовликка, ўқитувчиларни эса лоқайдликка олиб келмоқда. Шу сабабли қарорда тўғри таъкидланганидек, ўқитувчи-ҳодим иштироки истисно этиладиган баҳолаш тизими таълим сифатини баҳолашда оптимал усулдир.

Талаба билимини баҳолашнинг ҳолислигини таъминлаш нафақат унинг билим олишга иштирокини рағбатлантиради, балки дарс бераётган ўқитувчининг педагогик фаолияти самарадорлигини баҳолашда мезон бўлиши мумкин. Ўқув йили якунида таълим йўналиши ёки олий таълим муассасаларининг ўртача рейтинг кўрсаткичига нисбатан ўзлаштириш паст гуруҳларнинг ўқитувчилари фаолиятига баҳо бериш омили юзага келади.

Талаба билимини баҳолашнинг янги тизимига ўтиш, ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш хулосалари, якуний давлат аттестацияси шаффофлиги, объективлигини ошириш ва бошқа бир қатор чораларни амалга ошириш

«огриқли» масалалардир. Лекин бу ишларни бошламай мамлакат учун ҳаводек зарур бўлган, том маънода унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган муаммо — олий таълим сифати масаласини ечиб бўлмайди.

Албатта, ҳар қандай дарс шу вақтда натижа берадики, қачонки талабанинг ўзи мустақил ишлаш таърибига ва компьютер технологияларидан фойдаланиш малакасига ҳамда ўзбек тилидан ташқари чет тиллардаги илмий ва ўқув адабиётларини ўқиш ва тушуниш даражасига эга бўлса. Агар талаба таълим жараёнида фаол иштирок этмаса, олий таълим муассасаларидаги барча хатти-ҳаракатлар, ҳаттоки инновациялар ҳам ижобий натижа бермайди. Афсуски, бизнинг кузатув ва таҳлилларимиз шуни қўрсатаёттики, бугунги талабанинг аксарият қисми рус ёки инглиз тилини деярли билмайди, дарслик билан мустақил ишлаш кўникмасига эга эмас.

Қабул сифати қобилиятли, иқтидорли, ўқишга иштиёқи бор ёшларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш — олий таълим сифати натижадорлигининг асосий кафолатларидан биридир. Шу сабабдан узоқ йиллардан буён амалиётда бўлган ҳозирги тест синовлари ўз долзарблигини йўқотди, десак бўлади. Улар абитуриентни мантикий фикрлашга, имтиҳонда ҳақиқий билимини намойиш қилиш имконини бермайди. Бу ҳолат нафақат олий таълим, балки, умумий ўрта мактаб таълими сифатига, ўқувчиларнинг ўқишга муносабатига, муайян даражада кенг жамоатчилик фикрига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Абитуриент ҳужжатини қабул қилишни электрон шаклга ўтказиш тизими абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини ортқича ташвишдан халос қилади ва олий таълим муассасалари ички муҳитини янада соғломлаштиришга ёрдам беради.

Республика бўйича барча олий таълим муассасаларида, муайян таълим йўналишида бир қилипдан чиққан ўқув режалари асосида таълим берилиши мантиқан ноўринлигини ҳаётнинг ўзи қўрсатди. Шунинг учун ҳам қарорда қўшимча равишда етакчи олий таълим муассасаларига ўзлари ишлаб чиққан ўқув режалари асосида таълим жараёнини ташкил қилишга рухсат берилиши хорижий таълим тизимлари мақомларига яқинлаштириш таъминлайди. Ҳар бир олий таълим муассасаларининг ўзига хос шаклланиши, бир-бирига ўхшамас илмий-педагогик мактаблари талабаларни ўқув режалари ва фан дастурларида ўз аксини топиши олий таълим тизимини мақсадли ташкил қилишнинг илғор усулларидан биридир.

Қарорда белгиланган, олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашларини тузиш, педагог-ўқитувчиларни ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш натижасида профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини кўтариш, қўшма ўқув режалари ва фан дастурлари

асосида хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш олий таълим сифатининг ошишига ва бинабарин, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга фундаментал асос бўлиб хизмат қилиши таъминланади.

Қарорда олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда, давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган жараёнларда иштирокини фаоллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳам муҳим шарт қилиб қўйилган. Чунки олий таълим муассасалари мамлакатимизда фан-маориф, маданиятимизнинг юксалишида, жамиятимиз тараққиётида ҳал қилувчи кучдир. Олий таълим муассасалари ҳозирги кунда ҳам давлат ва жамият ҳаётида, ундаги ўзгаришларни тарғиб қилишда фаол иштирок этиб келмоқда. Шу маънода, бу қарор иқтисодиётнинг реал секторларини ривожлантиришга, инновацион гоя ва ишланмаларни яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими ўрнига ёшлар билан ишлаш бўйича проректор лавозимининг жорий қилиниши, талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш, иқтидорли гуруҳлар ташкил қилиш, ёш олим ва талабаларнинг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини беради. Бу — давлатимиз раҳбарининг ёшларга алоҳида эътиборининг, Ёшлар иттифоқи роли ва аҳамиятини оширишдаги саъй-ҳаракатларининг ёрқин тасдиғидир.

Қарорнинг яна бир эътиборли жиҳати шундан иборатки, олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўқиши ва профессор-ўқитувчиларнинг самарали ишлаши учун шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Адолат юзасидан айтиш лозимки, бугунги кунда вилоятлардаги аксарият олий таълим муассасаларида Интернет тизимининг ёмон ишлаши, профессор-ўқитувчиларнинг компьютер технологиялари билан таъминланганлик даражасининг пастлиги, чет элларда малака ошириш имкониятларининг чегараланганлиги, ўқув-илмий лабораторияларнинг жисмоний жиҳатдан эскириши таълим сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори таълим соҳаси янги ва юксак ривожланиш даврига кирганидан далолат беради.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
техника фанлари доктори, профессор.

ЕВРАЗИЯ ЭКСПЕРТ

«АҚШ

Ўзбекистонни
минтақа етакчиси
сифатида кўради»

«Евразия Эксперт» сайтида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи ва икки мамлакат ўртасидаги алоқаларга бағишланган мақола чоп этилди. Уни бироз қисқартирган ҳолда эътиборингизга ҳавола қилиямыز.

«Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга давлат ташрифини икки томон ҳам тарихий деб баҳолади. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг таърифи, «бу стратегик ҳамкорликнинг янги даври». Бундай фикр билдирилишига барча асослар етарли. Тошкент ва Вашингтон умумий қиймати 4,8 миллиард доллар бўлган 20 йиллик шартномани имзолади. Шубҳасиз, бу жуда йирик инвестициядир.

АҚШ Афғонистондаги вазиятни яхшилашда Ўзбекистон ёрдамига таянмоқчи. Баъзи бир давлатлар билан муносабатларнинг ёмонлашиши оқибатида Ўзбекистон АҚШ учун Афғонистон бўйича ягона имконият бўлиб турибди.

Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи вақтида ҳам Афғонистон мавзуси кўп бор кўтарилди. АҚШ мудофаа вазири Джеймс Мэттис Ўзбекистон Президенти билан музокаралар чоғида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда Тошкент муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлади.

Музокаралардан маълум бўлдики, АҚШ Ўзбекистонни минтақа етакчиси сифатида кўради.

АҚШ ўз навбатида Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старр томонидан илгари сурилган «Катта Марказий Осиё» геосиёсий концепциясини ҳам назардан қочиргани йўқ. Бунда Марказий Осиёдаги бешта давлат ёнига Афғонистон, Эрон, Хиндистон ва Покистон ҳам қўшилиши назарда тутилган.

Старрнинг фикрича, мазкур минтақа давлатларининг иқтисодий жиҳатдан интеграциялашуви учун ягона транспорт ва савдо инфраструктурасини яратиш зарур. Старр 2010 йилда бу гояни «Янги Ипак йўли» деб ўзгартирди. Унга кўра, Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиёни бирлаштириш учун транзит марказга айланиши керак.

Дональд Трамп Шавкат Мирзиёев билан музокаралар чоғида минтақавий иқтисодий жараёнларда Ўзбекистоннинг ролини юксак баҳолади. Шунингдек, Афғонистон билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайтирилганини ҳам олқишлади.

Темур АбЗАМ тайёрлади.

Болажонлар қувончи



Тошкент шаҳар партия кенгаши томонидан Гафур Ҳулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ҳар бир болага меҳр ва эътибор» шиори остидаги байрам тадбири кўтаринки кайфиятда ўтди.

Тадбир давомида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудри Нилуфар Йўлдошева ва Тошкент шаҳар кенгаши раиси Хайдар Боқохонов болажонларни байрам билан табриклаб, эҳтиёжманд оила фарзандларига эсдалик совғалари топширишди.

— Концерт томоша қилдик, рақсга тушдик, — дейди Нигина Маҳмудова. — Боғда дўстларимиз билан маза қилиб аттракционларда учдик. Бугунги ажойиб кун ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ногиронлиги бўлган 50 нафар ёш ва уларнинг ҳамроҳлари учун қадим ва ҳамиша навиқрон Самарқандга саёҳат уюштирилди. Саёҳат давомида тарихий обидалар зиёрат қилинди. — Саёҳат жуда мароқли ўтди, — деди Гўлбаркан Ботирова. — Самарқанд ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотларга эга бўлдик.

Сирожиддин ШОНАЗАРОВ

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР, УЛУФ МАҚСАДЛАР, ЮКСАК ОРЗУЛАР

«HUMO ARENA»

соғлом авлодни тарбиялашга, чемпионлар тайёрлашга, халқимизга қувонч ва шодликлар келтиришга хизмат қилади

Объект номи: «HUMO ARENA» кўп тармоқли муз саройи мажмуаси.

Манзили: Тошкент шаҳри, Афросиёб-Бешёғоч кўчалари кесилишви ёнида.

Буюртмачи: «Wind Rose» МЧЖ. Бош пудратчи: ENTER Engineering PTE Ltd.

Концептуал лойиҳа: Heerim Architects & Planners CO. Ltd (Жанубий Корея).


Бош лойиҳачи: «Арена» ноёб иншоотлар лойиҳалаш институти (Россия).

Лойиҳани амалга ошириш муддати: 2017 йил февраль — 2018 йил декабрь.

Қурилиш-монтаж ишлари бошланиши ва якуни: 2017 йил июль — 2018 йил декабрь.

Таҳририят топширигини ўз вақтида бажариш учун ишתיёқ билан эрталаб соат 8.00 да «HUMO ARENA» муз саройи дарвозаси олдида ҳозир бўлдим.

Давоми 4-бетда. ►



Нуронийларнинг манфаатлари қандай ҳимоя қилиняпти?..

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Нуронийлар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш — кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим шартидир» мавзусида семинар ўтказди. Унда Тошкент шаҳар партия кенгаши ва шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси масъуллари ҳам иштирок этди.


ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев семинарнинг аҳамияти ҳамда мақсади хусусида сўз юритди.

«Нуроний» жамғармаси билан партиямиз ўртасида имзоланган меморандум асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 4 ойида партия гуруҳлари томонидан пенсионерлар ва эҳтиёжманд аҳоли вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишга оид 73 масала депутатлик гуруҳларида, 56 масала доимий комиссияларда ва 37 масала сессияларда қўриб чиқилди. Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросига қаратилган йигирмага яқин лойиҳа ҳаёtgа татбиқ этилди. 50 га яқин эҳтиёжманд оила вакилларига кредит олиш бўйича ёрдам кўрсатилди.

Бажарилган ишлар, эришилган ютуқлар ўзимизники. Шу билан чекланиб қолсак, мақсадимизга етолмаймиз. Ҳали олдимизда кўп вазифалар турибди. Бу йўлда «Нуроний» жамғармаси билан доимий ҳамкорликда иш олиб борамиз.

Нуронийларни имтиёзли равишда дори-дармон воситалари билан таъминлаш ҳамон долзарблигига эришмоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудирини Боймурод Юсупов. — Куни кеча Давлат бюджетининг биринчи чорак ижроси тўғрисидаги ҳисобот қўриб чиқилди. Жорий йилнинг март ойига қадар икки мингга яқин ижтимоий дорихоналар ташкил этилиши кўзда тутилган. Маълум сабабларга кўра, бундай дорихоналар белгиланган кўрсаткичда ва белгиланган вақтда ишга тушмади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жойларга чиқиб, аҳолининг турмуш тарзи билан яқиндан танишаётганидан хабарингиз бор. Уларнинг маълум қилишича, аксарият ижтимоий дорихоналар бор-йўғи 30–40 турдаги дори воситалари билан таъминланган, холос. Аслида эса бу кўрсаткич 155 тани ташкил этиши керак эди. Шу ўринда таққослаш учун айрим рақамларга эътибор қаратсак. 2016 йилда соғлиқни сақлаш тизимига Давлат бюджетидан 3 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлса, 2017 йилда бу рақам

7 триллион сўмни ташкил этган. Жорий йилда эса соҳага ажратилаётган маблағ 10 триллион сўмдан ортиди. Бу рақамларнинг самараси одамлар ҳаётида акс этиши лозим. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари ажратилаётган маблағлар сарфи бўйича депутатлик



Жорий йилнинг март ойига қадар икки мингга яқин ижтимоий дорихоналар ташкил этилиши кўзда тутилган. Маълум сабабларга кўра, бундай дорихоналар белгиланган кўрсаткичда ва белгиланган вақтда ишга тушмади.

ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш жуда муҳим масала ҳисобланади.

— Ногиронлиги бўлган шахслар, яқка-ёлғиз кексалар манфаатини қўлаб қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муҳаммад Раҳматуллаева. — Жорий йилда уларни дори-дармон воситалари билан таъминлаш учун ажратилаётган маблағ икки баробарга оширилди. Шунга қарамай, шифохоналаримизда бундай беморларга дори воситаларини ўзларига олиб келтириш ҳолатлари учрамоқда. Ҳукумат қарорига биноан имтиёзга

эга бўлган фуқаролар рўйхати мавжуд. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти қатнашчилари, сил касаллигига чалинган беморлар, яқка-ёлғиз кексалар, чин етимлар ва ҳоказо. Уларга нафақат марказий шифохоналарда, балки оилавий поликлиникаларда ҳам имтиёзли равишда дори-дармонларга рецетплар ёзиб берилади. Бунга ҳудуддаги молия бўлиmlари томонидан биринчи ёрдам кўрсатиш учун ажратиладиган суммадан ташқари қўшимча маблағ ажратилади. Баъзи оилавий поликлиникалар ажратилаётган маблағ биринчи ёрдам ва турли тўловлар-

дан ортмаслигини таъкидлашади. Аммо бундай баҳоналар асоссиз. Чунки соҳада молиялаштириш тизими аҳоли жон бошидан келиб чиқиб йўлга қўйилган.

Семинарда «Нуроний» жамғармаси вакиллари, Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари ва бошқалар мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Меморандум асосида аниқ натижаларга эришилди, умумий гаплардан кўра амалий ҳаракатларга ўтиш, «ўтди-ўтди» ҳаётидаги қуруқ тадбирлардан бутунлай воз кечиш зарурлиги таъкидланди.

Махлиё РУСТАМОВА



УЧ ҲОКИМ ҲАЛ ҚИЛМАГАН МАСАЛА

нихоят, депутат ташаббуси билан ечим топяпти

«Чимбой-2» кўчасига кириб борганимизда канализация учун қазилари бораётганига гувоҳ бўлдик. Бизга ҳамроҳлик қилаётган халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Санжар Мавлонов вазиятни изоҳлади:

— Мазкур кўчада 25 хонадонда 250 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Сайловолди учрашувларида маҳалла аҳли сув ва канализация муаммоси ўйлантираётганини айтди. Тўғриси, уларнинг нигоҳларидан шунча ташкилотлар ҳал қилиб беролмаган масалага сиз ечим топа олармидингиз, деган маънони уққан эдим. Шунда, агар депутат бўлсан, биринчи галда мазкур масалага ечим топаман, деб режа қилгандим. Ният ҳолис экан, ҳомийлик асосида ишлар бошлаб юборилди. Маҳалла аҳли ҳам қараб тургани йўқ.

Депутат билан суҳбатни якунлаб, кўчадаги хонадонлар эшикларини тақиллатдик. Дилором Ходжаева хурсандчилигини биз билан бўлишди.

— Ҳовлимизга бир қаранг, ўнлаб ўралар қовланган, — дейди у. — Невараларим ўйнаб юрганда тушиб кетишидан хавотирланаман. Куни кеча қаттиқ ёнғингарчилик бўлди. Атроф сувга тўлди. Хатто канализациядаги сувлар юзага қалқиб чиқа бошлади. Биз жуда таъвишда эдик. ЎзХДП Марказий Кенгаши ходимлари билан келган депутатдан масала ечим топаётганини эшитиб, кўнглимиз тинчиди. Дилором Ходжаеванинг овсини Ёкут Ходжаева депутатга мурожаат қилди:


— Бир ҳовлида етти оила истиқомат қиламиз. Бизга арзонлаштирилган уй-жойлардан олишга ёрдам берсангиз...

Депутат уларга ҳуқуқий маслаҳат бериб, амалий ёрдам кўрсатишни ваъда қилди.

125-хонадонда истиқомат қилувчи 84 ёшли Ҳикоят Ҳасанованинг хонадонига ҳам бўлдик. Ногиронлиги бўлган онахоннинг яшаш шароити оғир экан. У катта келини беш нафар фарзандини ташлаб, етти йил олдин ишлаш учун бошқа мамлакатга кетганини, ҳозиргача дом-дараксиз эканини куюниб гапирди. Кичик келини ҳам икки нафар фарзандини олиб, онасиникига кетиб қолибди. Онахонга саломатлигини тиклаш учун тиббиёт бирлашмаси орқали санаторийга навбатсиз йўлланма берилди. Катта ўғлининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиладиган бўлинди.

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

Махлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ИБРАТЛИ ДЕПУТАТ

Мамлакатимиздаги энг ёш депутат

ташаббускорликда кўпчиликка ўрнак бўляпти



Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши бўлими бошлиғи Шохрух Ўктамов Риштон туман Кенгаши депутатлигига сайланган.

Ишонсангиз, у 1996 йилда туғилган, ҳозир 22 ёшда, республикамиздаги энг ёш депутат. Лекин ташаббускорлиги, фидойилиги билан кўпнинг ишончини қозонишга улгурди.

Шохрух маҳалладошларини ўйлантираётган қатор муаммоларни ҳал этишда ибрат кўрсатди. Одамларнинг оғирини енгиллатишга астойдил интиляпти.

«Навбахор» маҳалласида 2500 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шундан 300 нафарга яқини уч ёшдан олти ёшгача бўлган болалардир. Маҳаллада битта мактабгача таълим муассасаси бўлиб, у «Боғистон» маҳалласида жойлашган 22-сонли мактабгача таълим муассасасининг филиали ҳисобланади. 141 ўринга мўлжалланган болалар боччасининг иккинчи қавати фойдаланишга яроқсиз ҳолатда эди. Ёнғингарчилик мавсумида бинонинг шифидан сув ўтарди.

Ёш депутат муассасага бориб, ҳақиқий аҳволни ўрганди. Ошхона жиҳозлари талабга жавоб бермаслиги, иситиш тизими эскиргани аниқланди.

Аҳоли вакиллари фикр-мулоҳазаларини тинглаб, шу асосда тақлифлар тайёрлади. Уларни вилоят мактабгача таълим муассасалари

бошқармасига топширди. Тақлиф қўллаб-қувватланди. Муассасага алоҳида юридик мақом берилди. Болалар боччаси келгуси йилги давлат дастурига киритиладиган, капитал таъмирланадиган бўлди. Маҳалла аҳолиси ҳам ҳомийлик маблағлари асосида кўмаклашишини билдирди.

Муассаса ҳовлисидаги ёрдам томорқа сифатида фойдаланиш мумкин. Иссиқхона ташкил этилса, қўшимча даромад манбаига айланади. Шунининг олган ҳолда, банкдан имтиёзли кредит олиш режалаштирилди.

«Навбахор» маҳалласидан туман марказига бўлган масофа 18 километрни ташкил этади. Аммо ҳали-ҳануз автобус ҳаракати йўлга қўйилмаганди. Масала ечимни юзасидан Шохрух Ўктамов Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлиги Фарғона вилоят бошқармасига тақлифларини юборди. Кўп вақт ўтмай, туман марказидан маҳаллага 4 автобус қатнови йўлга қўйилди.

«Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини фаолларидан бири Шавкат Жавлонов депутатимиз ҳақида шундай дейди:

— Маҳалламиз аҳли Шохрух Ўктамовга овоз беришгандан мамнун. У ишончимизни оқламакда. Туман марказидаги бозорда ташкил этилган «Рошдоний Халқ кутубхонаси» бузилишининг олдини олишда ҳам унинг ҳиссаси борлиги барчамизни хурсанд қилди. Унинг ташаббуси билан ҳудуддаги қабристонга олиб борадиган қарийб бир километр йўл ҳам таъмирланадиган бўлди. Ўйламанки, депутатлар сафини катта ёшли, кўпни кўрган, тажрибали кишилар билан бирга, куч-ғайратга тўла, ташаббускор ва изланувчан ёшлар билан бойитиш керак. Ана шунда тажрибали халқ вакиллари билан фаол ёшларнинг кучи бирлаштирилади. Бундан одамлар манфаатдор бўлади.

Фарҳод УСМОНОВ

АДОЛАТЛИ СУВ ТАҚЧИЛЛИГИНИ ЕНГИБ ЎТИШИМИЗДА

Тонг саҳар набирам Жасуржонни уйғотиб, дўстим Ғуломжон Эрназаров асос солган «Шароф» боғдорчилик ва сабзавотчилик ҳўжалигига йўл олдим. У моҳир деҳқон.

— Э, келинлар, — дейди Ғуломжон кўн ҳали ёришмаган осмонга бир қараб олиб. Кейин қўлидаги кетмон билан помидор ниҳоллари кўкарган пушта-ларнинг аригини тўғрилашга тушади. — Билсангиз, бу йил гаплани бир-икки марта сувлаб қолдик. Ўғлим 2,5 минг дона аччиқ қалампир ниҳолчини эккан. Ҳаловат қишлоғидаги фермердан ялиниб-ёлвориб, озроқ сўғориб олдик.

— Майнинг бошидаги қаттиқ ёмғир кўп жойларга сел келтирди. Аммо экинларни ҳам сўғориб кетди, шундай эмасми?..

— Ҳа, барака бўлди!

Ғуломжон билан набирам Жасуржонни суратта тушириб, машинани тўғри Зарафшон тизма тоғлари дарасидаги Китоб туманидаги Варганза қишлоғи томон ҳайдадим. Тонг энди отиб келаётган лавла бўлса-да, маҳалла идораси одамлар билан гавжум.

— Акажон, саломатмисиз, — дея кучоқ очади «Варганза» МФЙ раиси

боғлар барпо этиш режаси вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилди. Ҳа-я, эски Варганза 1-2 насос станцияларини таъмирлашни ҳам қўйиш керак. Ўтган йили фермер ва томорқа ҳўжаликларидан 2 минг тоннадан ортиқ анорни экспортга ортиди, бундан қолганини бозорларга чиқардик. Аччиқ бўлса ҳам айтмай, биз Қашқадарёдан сув оламыз, бироқ бу йил сув жуда кам. Аҳолида 400 гектар томорқа бор, барчасига анор ва мевали дарахтлар экилган. Билсангиз, ҳозиргача бир марта сув қўймадик анорзорларга. Аммо Худо деган эканмиз, май ойи бошидаги ёмғир боғларимизни бир марта роса сўғориб кетди.

Энди тажрибага келсак, сизни бир хонадонга олиб боришди... Ўзр, мана бу ҳамқишлоқларимиз менга иш билан келишган, кутиб қолишмасин.

Менга маҳалла йиғини котибини қўйишди. Абдуғаффор Мавлонов асли уста экан, уйи, томорқаси жарликлар ёқасида. Чунки Варганза қишлоғида ер етишмайди. Бизга қишлоқдан қарийб 1000 метр баландда уй солган, томорқасига 100 тулча анор экиб, насослар ёрдамида сув чиқариб, боғ



қўқартирганига лол қолдик. Ҳажми 1,5-2 тонна сув сигимига эга идишга қудуқдан насос сув тортиб чиқарар, қирларга шланг қувурлар орқали сув етказиб, ҳар бир анор ниҳоли тағига сув томчилари тўқилар экан. Қойил! «Бу йилги шароитда ортиқча сув йўқ», дейди Абдуғаффор...

Машинами ҳайдаб, тоғли Деҳқон-обод туманига йўл олдим. Ундан Чироқчи туманининг Кўкдала мавзасига ўтдим. Қарийб 80-100 метр чуқурликни қазиб, сув чиқариб, қишда плёнкалар остига тарвуз экадиган кўкдалаликлар дастлабки ҳосилни бозорларга чиқара бошлашди. «Лалмидаги бугдойлар қуриб кетди, бироқ май ойидаги ёмғирдан кейин янтоқ, ажриқ ўсиб чиқади, анча қўй-қўзи, чорва молларини сақлашга уринамиз», дейди чироқчиликлар.

Қарши, Нишон, Миришкор, Қамаш туманлари далаларига кўз ташлайман. Ўртимиздаги энг катта Талимаржон сув омборида обиҳаёт кам эканлигига амин бўламан. Ва мутахассислар, фермерларнинг фикрини тинглайман.

Ботир РАҲИМОВ, Аму-Қашқадарё сўғориш тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор:

— Ана, анча жойларга бориб, аҳволни ўз кўзингиз билан кўрибсиз. Очиги, бундай сув танқислиги кейинги ярам асрда бўлмаган. Тоғларга қутилганидан 60-70 фоиз кам қор ёғди. Агар 24 сув омбори бўлса, сақланган обиҳаёт жуда кам. Масалан, Китоб, Шахрисабз, Яқкабоғ, қисман Чироқчи, Қамаш туманларига сув узатадиган чироқчиликлар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг XXРга ўтган йили

Мамлакатлар ўртасида маданият қунари, турли кўргазмалар ташкил қилинмоқда, олимлар қатор қўшма пойтахтларни бажариб, уларнинг натижаларини илмий нашрларда, ҳалқаро конференцияларда муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйиб улгурдилар. Ўзбекистоннинг қатор университетларида хитой тили кафедралари очилди, хитой тили адабиёти

Хитойлик ёшлар ва ишбилармонларнинг ўзбек тилини ўрганишга бўлган иштиёқи баланд. Бунинг тасдиғини Хитойдаги қатор университетлар ва бошқа турдаги ўқув юртларида ўзбек тили ва ма-

Конфуцийнинг шогирди Мэн-цзининг фалсафий мушоҳадалари билан танишатиб, беихтиёр Фаробийнинг «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар» аса-

Баҳодирхон САФАРОВ,
иктисод фанлари доктори

йили 920 километр коллектор — захириқларни қазиди. Жами 130 километр

ери Қашқадарёга ташланган насос орқали сув ичади. Бу йил биз 45 гектар майдонда бўёқнинг «Якқарт

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриёт фахрийси, Ўзбекистон Ёзувчилар ва журналистлар уюшмалари аъзоси **Ҳикоят МАҲМУДОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«HUMO ARENA»

соғлом авлодни тарбиялашга, чемпионлар тайёрлашга, халқимизга қувонч ва шодликлар келтиришга хизмат қилади

Қуриқлаш хизмати раҳбари Улуғбек Норматов нима мақсадда келганимни эшитиб, бу стратегик иншоот экани, майдонга кириш учун қурилиш бош пудратчиси — ENTER Engineering PTE Ltd. компанияси раҳбари Бахтиёр Ҳафизовдан рухсат олиш лозимлигини билдирди. Кириш-чиқиш қатъий рухсатнома орқали амалга оширилиши туфайли қурилиш иншооти хавфсизлик хизмати ходими Олимжон Акбаров мендан уэр сўраб, ҳужжатимни телефонда фотосуратга туширди ҳамда Бош муҳаррирга кўнгирок қилиб, мақсадни яна бир марта ойдинлаштириб олди.

Кўп тармоқли Муз саройи қурилиши лойиҳа директори Рустам Ҳайдаров бироздан сўнг келиб қилишини, ундан барча саволларимга жавоб олишим мумкинлигини билдиришди. Бекор ўтирмалик учун дарвоза ёнида туриб қурилиш жадаллиги билан кетаётган улкан иншоотнинг турли жойларидан кўзга ташланган турган кўтарма кранларни санай бошладим. Германиянинг «Либхер» компаниясидан келтирилган бундай кранлар сони 16 та экан. Уларнинг энг кам қувватлиси 70, энг кучлиси 600 тоннагача юк кўтарар экан.

Яна атрофни кузатаман. Қурилишга дахлдор одамлар, машиналарнинг дарвозадан кириш-чиқиши қўриқчи Лутфулла Тулагановнинг қатъий назоратида. Келаётганлардан бири — Паркент тумани Чанги қишлоғилик Мирғис Комилов қурилишга ишга кириш учун ўз шахси, касби ҳақидаги маълумотларни Қадриер бўлимига топшириб кетган экан. Қўнгирок қилиб уни қақаришибди. Ҳасан Ражабов илгари Қашқадарё нефть-газ тизимида пайвандчи бўлиб ишлаган экан. У ҳам ишга қабул қилинишидан умидвор...

Биринчи дарвозадан кирган жойда улкан машиналар қаторлашиб турибди. — Бу машиналар қурилиш иншооти учун Австрия давлатидан ўз вақтида металлконструкциялар етказиб келади, — дейди прораб Миршод Махмудов. — 800

Давоми, бошланиш 1-бетда.

ўринга мўлжалланган ётоқхонада турли вилоятлардан келган профессионал қурувчилар ётиб ишлашади. Ишчиларимизнинг барчаси ўзимизнинг маҳаллий йигитлар. Улар ўз шахси, касби ҳақидаги маълумотларни Қадриер бўлимига Интернет орқали ёки бевосита келиб топширганидан кейин участка бошлиғи ва лидер менежер хулосасига кўра танлаб олинади ва ишга қабул қилинади. Ҳеч қандай касби бўлмаган йигитлар ёрдамчи ишчи сифатида қабул қилиниб, компаниянинг бошқа иншоотларидан иш ўргатиш учун бу ерга олиб келинган тажрибали мутахассислар томонидан касбга ўргатилади.

Бир йўла 600 киши овқатланадиган ошхонамиз бор, овқат бепул. Уч маҳалдан тортиб баъзан 5 маҳалгача сменадаги ишчиларга овқат тайёрлаб берилади. Участка раҳбари Антон Ким ҳамда лидер менежер Бахтиёр Исаев ҳар кун эрталаб соат 7.15 да барча прораб, уста ва бригада бошлиқларини йиғиб, бир кунлик иш ҳажмини белгилаб беради, кечқурун қилинган ишлар бўйича ҳисобот топширади. Мабода табиий шароитлар туфайли, дейлик, ёмғир ёғиши ва бошқалар туфайли ўша кунги иш ҳажми бажарилмай қолса, уни қоплаш учун кўшимча ишланади...

Иккинчи дарвоза ёнидаги постга келдим. Қўриқчи Шерзод Усмонов мени қурилиш лойиҳа директори Рустам Ҳайдаров ёнига бошлаб борди.

— Келган пайтингиз кўнгирок қилмабсиз-да, — деди у. — Қурилиш билан боғлиқ бир иншоотга боришга тўғри келиб қолганда...

Рустам Ҳайдаров мени ўз кабинетига бошлади. У Муз саройи қурилишга келишидан олдин Катта Ҳисор газ конденсат қонини комплекс ишга туширишда, Жанубий Кореянинг «Хюндай инженеринг» компанияси билан ҳамкорликда Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси бунёд этилишида катта тажриба орттирган экан.

— Ўтган йилнинг бошида «HUMO ARENA» муз саройи қурилиши лойиҳасига Президентимиз Шавкат Мирзиёев

томонидан тамал тоши қўйилган кунни яхши эслайман, — дейди Рустам Ҳайдаров. — Буларнинг ҳаммаси Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилапти. Ҳали бугина эмас, келажакда барча вилоятларда ҳам бундан кичикроқ ҳажмдаги муз спорт саройлари қурилиши режалаштирилган.

«HUMO ARENA» қурилишига Россия, Австрия, Туркия, Финляндия каби давлатлардан халқаро тендер асосида лойиҳалаш гуруҳлари танланди. Бизнинг тилимизда тизим жамланмаси, дейлади, ана шу бўйича Финляндия, Германия, Испания, Италия, Чехия, Франция каби давлатлардан инновацион технологияларга асосланган энг сифатли ва чидамли қурилиш материаллари келтириш жараёни давом этмоқда.

Бу илгари кўзимиз кўникиб қолган классик усулдаги қурилиш эмас. Бу — энг ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган жуда улкан кўламли лойиҳаларни қисқа муддатларда амалга оширадиган усул ҳисобланади. Қурилишнинг бошқарилиши бундай инновацион усулга Ўзбекистонда мана шу сарой қурилиши билан тамал тоши қўйилди, десам, янглишмайман. Бу ердаги муҳандислик тармоқлари, ёнғин ўчириш тизими, ёритиш, вентиляция, иссиқлик манбаи, кондиционерлаш тизимлари тўлиқ автоматлашган бўлиб, тежамкор технологиялар қўлланилган ҳолда лойиҳаланган.

Бундай мултифункционал тизимга эга бўлган улкан иншоотлар қурилишини битказиш учун жаҳон тажрибасига кўра, 4 йил муддат керак бўлади. Лекин бу мажмуани энг юқори технологик инновацион ёндашув туфайли бирорта қурилиш технологияларини бузмасдан 18 ой ичида қуриб битказиш ҳисоб-китобини олганмиз. Янги йил олдида очилиш маросимини ўтказамиз.

— Қурилишда 2000 нафар ишчи уч сменада меҳнат қилаяпти, — дейди Муз саройи лойиҳа раҳбари Рамил Габдураунов. — Албатта, бирор соҳада бунча кўп сонли малакали ишчи бўлиши



қийин. Бизда кадрлар тайёрлаш дастури асосида устоз-шогирдлик тизими йўлга қўйилган. Шу бўйича шартнома асосида И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали базасида уларни 4 ой мобайнида ўқитамиз, кейин ишга жалб этамиз. Ўз навбатида янги ишга қабул қилинган йигитларга касб сирлари ўргатиб борилади.

Бундан ташқари, ҳозирдан бошлаб 16 нафар йигит-қизни саройни фойдаланишга топширишни ўрганиш бўйича Россия ва Чехия давлатларида ўқишга юбормоқчимиз.

Мажмуа ёнида бетон заводи ташкил қилганмиз, монолит қўйиш учун қанча ҳажмда керак бўлса, етказиб бераёпти. Арматура-темир маҳсулотларини Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти етказиб бераёпти...

Муз саройи қурилиши лойиҳа директори Рустам Ҳайдаровнинг таъкидлашича, муз саройи спорт мусобақалари ва концерт тадбирларига мўлжалланган тартибда ишлайди. Заруратга қараб, бир ҳолатдан бошқасига мослаштирилади. Унда хоккей, фигурали учуш, шорт-трек, кёрлинг билан шугулланиш, баскетбол, волейбол, футбол, кураш, бокс, қилич-бозлик, таэквондо каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш учун

замонавий шароит яратилади. Бу ерда кўргазма ва конференциялар ташкил этиш ҳам мумкин.

Маълумот учун: Адлия вазирлиги 2018 йил 28 март кунини Ўзбекистон Республикаси Хоккей федерациясини давлат рўйхатидан ўтказди. Манзили «Next» савдо комплексида жойлашган, Федерация раҳбари этиб Бахтиёр Фозилов тайинланган.

— Бундан бир неча кун аввал Президентимиз Шавкат Мирзиёев мажмуа қурилишида бўлиб, ишнинг бориши билан танишиди, — дейди Рустам Ҳайдаров. — Бу ерда хоккей бўйича Ўзбекистон терма жамоаларини тузиш ва уларни халқаро спорт мусобақаларида қатнашишга тайёрлаш, фигурали учуш ва бошқа спорт турлари бўйича жамоаларни ҳозирданок шакллантириш, спорт кийимлари ва анжомларини ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этиш, йирик халқаро мусобақаларни ташкиллаштириш лозимлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, ҳудудда умумий бош режа концепциясига асосан спорт музейи, болалар учун ёпиқ майдон, тренажёр заллар, фитнес маркази, умумий овқатланиш шохобчалари, спорт анжомлари дўкони ва бошқа хизмат кўрсатиш объектлари бўлади.

Умумий майдони 82 минг 250 квадрат

метрни ташкил этадиган 6 қаватли иншоотнинг энг баланд нуқтаси 40 метрни ташкил этади. Асосий бинода 60х30 метр ўлчамдаги профессионал ва 300 ўринли машқ аренаси бўлади. Мобиль ўриндиқларга эга бўлган саройда хоккей ўйинларига 12 минг 500, спорт мусобақалари ўтказиш зали сифатида 14 минг, концерт зали сифатида 10 минг томошабинга мўлжалланган. Бино ёнида 1 минг 375 автомобилга мўлжалланган ер ости ва 5 қаватли автотураргоҳ барпо этилади.

Бу улкан, супер замонавий иншоот қурилиш майдонини ўз кўзим билан кўриб турсамда, тўғриси, бир ишониб, бир ишонмасдим. Бундай салобатли, муҳташам биноларни илгари фақат киноларда кўрганмиз, бошқаларга ҳавас қилганмиз.

Бугун эса... бир томонда «Tashkent City», бир томонда «HUMO ARENA», бир томонда уч қаватли кўприк... обод қишлоқ, обод маҳалла...

Буларнинг ҳаммаси пешонаси ёруғ халқимизнинг фаровонлиги, келажак авлодининг бахти, юртимиз гуллаб-яшнаши учун яратилмоқда. Бундан фахрланасан, гурурланасан киши...

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

QQB QISHLOQQURILISHBANK



- ✓ Замонавий
- ✓ Қулай
- ✓ Тезкор

«Қишлоққурилишбанк»
«ONLINE КОНВЕРСИЯ»
хизматини таклиф этади

- Банкимизнинг сўм пластик карточкаларига эга мижозлари ўзларининг VISA халқаро тўлов карточкаларига чет эл валютасини онлайн режимида конверсия қилиш имкониятига эгалар.
- Мазкур амалиёт «QQB-mobile» мобил иловасини интернет тармоғидан юклаб олган ҳолда, пластик карточкани рўйхатдан ўтказиш орқали бажарилади.

«Қишлоққурилишбанк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+99871) 150-93-39, 150-76-47

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливочные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638. 11117 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21:25.

Topshirilgan vaqti — 00:50.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



Газетанинг электрон сазифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5